

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқук-тартибот учун!

Ишбор

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● № 93 (2357)

● 1991 ЙИЛ З АВГУСТ

● ШАНБА

● БАХОСИ 10 ТИИИН

ЗАРДАЛИ ФИКР

НИМА КЕРАГИ БОР?

Авваллари бундай эмасди. Кейинги пайтларда кўча-кўйда барча милиция ходимлари резина таёқ кўтариб юрадиган бўлишиди. Баъзилари уни ўйнатиб, шунақа викор билан бошқаларни менсимиш қадам ташлашадики, кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Таҳликали пайтларда кўтариб юришсин. Лекин ҳамма ёқда осойишталик барқарор бўлган даврда ортиқча даҳмазанинг нима кераги бор? Биз милиция ходимидан қўрқишимиз эмас, ҳурмат қилишимиз керак. Бунга эса резина таёқ ҳалақит берапти.

Абдурасул МАВЛОНОВ.

Шу йил 2 июнь куни эрталаб Фарғона шаҳрида юз берган воқеа ҳали-хануз ҳамманинг оғзида. Шаҳарнинг қоқ марказидан Охунбобое даҳасига қатновчи автобусга икки нафар ўспирин чиқди. Қўлларида пичоқ билан шофёрга таҳдид солишиди.

Бақириб-чақирадиган бўлсанг, биқинингдан дарча очиб қўямиз. Қани, кассадаги пулларни чиқар!

Тўғри, салонда одам тирбанд эди. Лекин ҳайдовчига елқадош бўладиган бирорта мард тошилмади. Ялтилаётган совуқ қуролни кўргач, ҳамманинг даминичига тушиб кетган эди. Бу эса қароқчиларга қўл келди. Ҳайдовчи титраб-қақшаб узатган пулларни шопшилиб киссага солишиди, кўздан ғойиб бўлишиди. Бу ҳол шу йўналиш бўйича қатнайдиган ҳамма авто-

бусларда рўй берди. Шаҳар ИИБ 1-бўлнимаси оператив навбатчиси бу ҳақда хабар олдию ички ишлар бўлими бошлири милиция подполковники Нематжон Мадёров билан боғланди.

киритилди. Чунки улар ички ишлар соҳасида анчагина тажриба тўплаган кишилар эди.

Бирор-бировни танимайдиган катта шаҳардан икки қароқчини қидириш бир қол сомон ичидан ни-

Биз шу ўринда текин пул дардида одамийлигиги ийқотганлар билан рўзнома ихломандларини ядиндан танишитиришин лозим топдик.

Тоир Шабанов, 1967 йилда түғилган, Узбекистон 50 йиллиги кўчасидаги 7-ий 28-хонадонида яшайди, ҳеч қаерда ишламайди.

Уларга нисбатан жиноят маъжмуасининг 115-моддаси 2-қисмига асосан жиноят иш қўзғатилган. Тергов ҳаракатлари ниҳоясига етайдеб қолди.

А. ФАНИЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходими милиция майори.

ТАДБИРКОРЛИК

Зудлик билан вилоят ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходими милиция майори Бахромжон Холиқов бошлиқ оператив гуруҳ тузилди. Яна гуруҳга Фарғона шаҳар ИИБ 1-бўлнимаси бошлиғи милиция майори Ш. Худоёров, участка инспекторлари милиция капитанлари А. Маттов, А. Исоқовлар ҳам

на ахтаришдай гап эди, — дейди Н. Мадёров, — лекин гуруҳ аъзолари тиришкоқлик билан ҳаракат қилинди. Шу йўналишдаги автобусларда қатнайдиган юзлаб кишилар билан сұхбатлашишга тўғри келди. Ҳайрияни, шунча қилинган меҳнат самараасиз кетмади. Шу куни соат 12 ларгача қидирилаётган шахслар қўлга олини.

Ҳамкорликда ишлашмоқда

Ўрта Осиё темир йўлчилари эртага нишонланадиган ўз байрамларини меҳнатда ютуқлар билан кутиб олаштилар.

Пўлат излардан жумхуриятимиз худудидаги саноат корхоналари учун қимматбардо юклар ташиш билан бир қаторда йўловчи поездлари фуқароларини иттифоқимиз-

нинг турли шаҳар ва курорт зоналарига элтиб қўймόжда.

Юкларни бекаму кўст белгиланган манзилларга етказишида ва йўловчи поездларда жамоат тартибини сақлашда темир йўлчиларга ходимларимиз яқиндан ёрдам бершишти, — дейди биз билан сұхбатда Ўрта Осиё транспорт милицияси бошлиғи-

нинг ўринbosari милиция майори Ақмалжон Тошматов.

— Темир йўлчиларни байрамлари билан чин юракдан табриклаб, уларга ва оила аъзоларига сиҳат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳабибулла ШОДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: транспорт милицияси ходими милиция кичик сержантин Шерали Мирилиев (ўнгдан биринчи) ва унинг жанговар ёрдамчилари-қўнгилди халиқ дружинаси аъзолари Шокир Мирзараҳимов, Мақсуд Ерметовлар 11-клас машинисти Рихсибой Мусаев билан сұхбатда; Қизил тўқимчилари — поезд-

ларни қабул қилувчи Баҳодир Нишонбоев ва техник ходима Елена Симакина; «Жанубий» темир йўл шоҳбекатидаги ИИБ бошлиғи милиция майори Рустам Ори-

пов ва унинг ўринbosari милиция майори Мазоир Эминовлар ўз ходимларига топшириқ беряптилар.

Муаллиф олган суратлар.



ЧОРАК АСР ПОСТДА

Абдуллатто эрталаб хонасига киргач, одатига кўраш режасига кўз югуртириди. Бугун 4-тажриба қишлоқ қурилиш комбинатида ичкликбозлика қарши кураш тўғрисида сұхбат ўтказиши керак экан. У комбинат директори Анваржон Икромов билан телефона боғланниб, кулагай вақтни белгилаб олди. Сўнг сұхбатни янги мисоллар билан бойитиш учун кеининг пайтда содир бўлган воқеаларни ён дафтарига қайд этди. «Энг муҳими, Гуломжон Ҳамроқуловни топиш керак. У ўша ерда ишлайди-ку». Ҳаёлига келган бу фикрдан ўзи қувониб кетди. Чунки Гуломжон турмуш ўртоғи билан миннатдорчилик билдирган эди. Агар Абдуллатто қаттиқ турмаганида, унинг ичклилигидан қайтиши даргумон эди-да...

Инспектор жамоа олдидаганини ичкликбозлика қарши ҳамма ҳамкорликда курашиш кераклигини таъкидлашдан бошлади. «Ичкликбозлик жамиятимизга ёт иллат,— деди у.— Шунинг учун ҳар бир соғдил киши иш жойида ҳам, маҳалласида ҳам изчил курашиши билантина кутган натижага эришамиз. Акс ҳолда турли кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин. Тушпа-тузук ишчиларгача жиноят кўчасига киришганини билмай қолишиади. Масалан, бундан иккичи-уч йил аввал кўчаларда масти-аласт юргаётларга кўнгилсизлик эътиборсизлик билан қаради. Оқибатда йилига бир неча жиноят содир бўларди. Нўргонимиздаги ишчилардан Сайдулла Азимов, Абдумутал Тўрабоевларнинг бири кайф ҳолда мотоцикл ўғирлаб, бири бегуноҳ ишиши оғир тан жароҳати етказиб, жиноят жавобгарликка тортилганлар. Эндиликда ичкликбозлик туфайли рўй берадиган тартиббузарлик ва жиноятчилик барҳам томонти. Бу борада кенг жамоатчилик, кўнгилли ҳалқ дружиначилари яқиндан кўмаклашмоқдалар».

Инспекторнинг сұхбати ҳаммада қизиқиши ўйотди. У олим Бенжами Франклининг: «Ичмаслик — ўчқора ўтин, қозонга гўпти, дастурхонга нон, давлатга даромад, ҳамёнга пул, танга нуч, устга кийим-бош, мияга ақл, оиласа фаронсонлик баҳш ётади»— деган донон фикрига тингловчиларнинг дижкат эътиборини тортиди.

— Бу фикринг тўғрилигини Гуломжон яхши билади, — деди олдинги қаторда ўтирган ишчига ишора қилди. — Иккичи оғиз айтиб бермайсизми?

— Инспекторимиз мендан сўраётгандиларнинг сабаби бор,— деди у ўрнидан туриб.— Ароқ касофатнинг жабрини тортиб ўрганман. Уйдан барана қочирган, оиласизнинг боши жанжал-тўполнондан чиғмай қолган эди. Мени маҳаллада изза қилишибди, бўлмади, яна ичиб қўя-



вердим. Охири инспекторнинг тоқати тугаб, алкоголлар диспансерига ташлаб келишини айтганида, ярим йўлдан қайтганимиз. Ичмасликка сўнгги ваъдан берганман. Ўйда хотиним Саломат назоратчи. Иш жойимнинг тайини ҳам қолмаган, инспектор комбинатга бошлаб келиб, яна бир бор ичмасликни қаттиқ тайинлаб, сизларнинг сағингизга қўшилишимга ёрдам қилди. Кун оша сўраб суриштириб турди. Хуллас, иродамни кўлга олиб, ароқдан юз ўтирудим.

ФИДОИИ ИНСОНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Сұхбат кутилган самара берди. Ҳушёрлик зонасининг катта бир участкаси ҳисобланган комбинатнинг меҳнат жамоаси ичкликбозлика чек қўйиш ҳаракатида фаол қатнашиш истагини билдириди. Инспектор дили ёришиб кўчага чиқди. Энди у кўнгилли дружиначиларга вазифа тақсимлаши лозим. Серватинов чорраҳада эса ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун ДАН ходимларига ёрдамлашади. Айни маҳалда меҳнатсиз даромад топишга иштадиган ҳайдовчиларни анилайди.

Бу Наманганд вилояти Тўракўрон туманинага Оқтош қўргонининг катта участка вакили Абдуллатто Сайдуллаевнинг хизмат фаолиятидан бир лавҳа, холос. Аслида унинг ҳар бир куни ана шундай режали, таъсирчан тадбирларни рўёбга чиқариш, намунали жамоат тартиби ўрнатиш учун тинмай изланиш билан ўтади.

Абдуллатто Кужрон қишлоғида туғилган. У туман иччи ишлар бўлумига 1966 йили комсомол йўлланмаси билан келган. Совет Армияси хизматини мудаффиатли тутгаллаб, бу ерда иш бошлаган сергайрат йигитта соччилик вазифаси топширилган. Яхши ишлаб, ўзини кўрсалтади. 1968 йилда болалар хонаси инспекторлигига тайинланди. У ўсмирлар ора-

сида қунт билан иш олиб борди. Безорилик, майдада жиноятчиликнинг олдини олишда чинкамига жонкуярлик қилди. Натижада келаси йили ёш ходимга катта ишонч билдирилди. У туман маркази участка инспекторлиги ўтказилди. Участка осоиштилганинг ўз постида ҳуашёр ва сергак қўриқлаб, анча ютуқларга эришиди. Орадан кўп вақт ўтмай Оқтош қўргон участка инспекторлиги топширилди. Бу ерда турли жиноятлар, кўнгилсиз ҳодисалар тез-тез рўй берадиганда Абдуллатто ўхшаган ишчан инспекторнинг зарурлигини кўрсатаётганди. У зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб, қисқа фурсатда жамоат тартибини мустаҳкамлади. Мехнат жамоатида, аҳоли ўртасида фаол иш олиб борди. Шу йўл, билан жиноятчиликни кескин камайтириди. Ҳалол хизматлари эвазига унинг уйонлари оширилди. Милиция майори даражасига қўтирилди. Сиртдан олий маълумот олди.

У бир неча йилдан бўён катта инспектор. Эндиликда фақат Оқтош қўргонининг осоиштилганини таъминлаш билангина чекланиб қолмайди. Балки атрофдаги қишлоқларнинг участка инспекторларига ҳам тегишил йўлдириш беради, тажрибалари ўргатади. У иччи ишлар бўлумидаги мураббийлар Кенгаша раҳбари, сиёсий ўкув тартиботчи ҳамдир.

Ҳамид Шерматов, Аббосали Ҳакимов, Абдулжалил Катабоев, Юнусжон Сулаймонов, Жамолиддин Маҳаммадинов сингари офицерлар Абдуллаттони устоз, деб билнишиади.

Милиция таъянч пунктидаги. Хона тўрида «Энг яхши участка инспектори», «Социалистик мусобақағоғлиби» деган алоҳонимдаги Деворда участка схемаси. Унда 36 та объект белгилаб қўйилган.


— Оқтош кўплаб саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари жойлашган, турли миллат вакиллари яшайдиган катта ишонч қўргон,— дейди майор Абдуллатто Сайдуллаев.— Эллаидан ортиқ ҳалқ дружиначиларидан фойдаланылмиз. Акрамхон Эшонов, Зоҳиджон Абдуқаҳоров, Йўлдошли Эргашевлар, айнича, фаол кўмакчиларимдир. Штабда уларга қулагина шароитлар яратиб қўйганди. Ҳалқдан «хурсандман. 1987 йили Тўракўрон шаҳрига инспекторликка олиб қўйишганди. Оқтошликларнинг қайта-қайта талабига кўра яна 1990 йилдан қўргонда ишни давом этирипман. Менимча, жиноятчини топиб жазолашдан жиноятчиликнинг олдини олиш мухимроқ. Одамлар ўртасида ҳуқуқий билимларни тартиби қилиш, улар билан индивидуал ишлаш наф келтириди. Шу боис профилактикага эътиборни кучайтирганим кечайтирган.

Жанговар постда чорак асрдан бўён ҳалол ва сиддикилдан ишлаб келаётган милиция майори, принципиал коммунист фақат эл ҳурматига сазоворигина эмас, ўз навбатида қатор таъдириномалар соҳиби ҳамдир. «Милиция аълочиси», учала даражали «Бенуқсон хизмати учун» медаллари унинг кўнсини безаб туриди.

Содик САЙХУН,

ССЖИ Журналистлар уюшмаси аъзоси.
Суратларда: Абдуллатто Сайдуллаев; у шоғирди бўлган навбатчиси милиция капитани Абдулжалил Катабоев билан.


КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ



Аввал хабар қилганимиздек, ЎзССЖ ИИВ биносида жиноятчиликка қарши курашда аскотадиган замонавий аспаҳалар кўргазмаси очилган эди. Бу ерда ҳанузгача томошабинлар гавжум. Оғирлиги деярли сезилмайдиган алоқа воситалари, тасвирига туширувчи митти камералар, кичик нусха кўчириш ускуналари, криминалистика жомадонлари ҳаммада қизиқиш уйотмоқда.

Суратларда: 1. Кўргазма экспонатларидан намуналар. 2. Бундай кулагай аспаҳалар олдидан кетгиси келмай қолади кишининг.

Сураткаш X. ШОДИЕВ.



ИККИ ОҒИЗ СУЗ БИЛАН

ОПЕРГУРУҲ ОЁҚҶА ТУРДИ

Хива шаҳар ИИБга фуқаро Худобиберган Болтабоев ўзига тегиши «Газ-24» белгили автомашинасининг олдини ишқитида гилдираги, пешойнаси ўтирилганларни ва машинанинг юхонаси бузиланлитики хабар қилиди.

Участка инспектори милиция капитани Сотим Масимов, тергоччи милиция майори Омон Иброҳимов ЖКБ опервакили милиция лейтенанти Невъматжон Омоновлар иштирокидаги опергурӯҳ ўтириларни қўлга олиб, уларнинг анча «мехнат» қилиб топган ўзакаларни эта-сига қайтарди.

Шу йилнинг 29 май кунине участка инспектори милиция капитани Вало Маҳмудов Хива шаҳар ИИБ билан боғланниб, бутуниттилоғ қидириуда юрга Давидшо Аслоновнинг Урганч шаҳрига кетаётгандиги ҳадида опергурӯҳни отоҳлантириди.

Свердловск шаҳрида беш минг сўм пул учун бир инсон умрига зомин бўлган, Файзибоддода таъси ҳайдовчининг ўлдириганди, алоқа бўлумидан 115 минг сўм пул ўтирилган ашаддий жиноятчи Урганч юлидаги ДАН постида қўлга олиди.

Б. САЙДУЛЛАЕВ.



СУВДАН ҚУРУҚ ЧИҚМОҚЧИ БҮЛДИ

Неъматилла Рассоқов 1982 йилда УзССЖ ЖМ-нинг 114-моддаси 2-қисми, 125-моддаси 2-қисми ва 218-моддаси 1-қисми билан судланиб, икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганди. Жазо муддатини ўтаб чиқсанига ҳам бир неча йил бўлиб, бу ҳатто бошқаларнинг ёдидан ҳам кўтарилиганди. Қисқа қилиб айтганда, у маҳалла-кўй орасида ботмонлаб йўқотган обрў-этиборни мисқоллаб йигиб олаётганди. Афсуски, яна нафс гапига кириб, кўр ҳассасини бир марта йўқотади, деган азалий нақлнинг жуда ҳам тўғри эмаслигини амалда «исботлади».

Кунлардан бирида Бешарик шахридаги Октябрь 60 йиллиги кўчасининг 36-йин 2-хонадонига меҳмон бўлиб келди. Хонадон соҳиби Вячеслав Гайсин ҳам узоқ йиллар мобайнида ўзбеклар орасида яшаб, унинг одатларию удумларини яхшина ўзлашиби олганди. Шу боис остонасидан кириб келган Неъматиллани азиз билди. Дастурхон ёзб, топган-тутганини олдига қўйди. Зиёфат узоқ чўзилди. Охири спиртли ичимлик таъсиридан гўлдираб қилинди. Лекин шакарнинг ҳам ози ширин, бас қиласлик, деб ўйлашиби. Қайтanga бир-бирини қучоқлаб ўпib, ҳатто туғилмаган фарзандлар саломатлиги учун ҳам кетма-кет қадаҳ қўта-ришаверди.

Ниҳоят, шиша ичидаги оқ ароқ ўз кучини кўрсат-

ди. Ҳар иккиси ҳам оёқларини узатган кўйи ухлаб қолишиди. Дастурхондаги таомлару бўшаган шишеларни йиғишириб қўйишга ҳам ҳафсаля қилишмади.

Тун ярмидан оққандан меҳмон уйғонди. Қараса, Вячеслав қандоқ ётиб қолган бўлса, шу тахлитда хуррак отарди. Бир-икки туртиб кўрди. Ўйғонмади. Шунда меҳмоннинг ионоклика ўргангани кўнгли бехосдан ўртаниб кетди. Оёқ учиди юриб, қўшни хонага чиқди. Шифонъерни очди. Қараса, мезбоннинг ўзига, турмуш ўртогию боласига тегиши бўлган турли-туманни кийим-кечаклар осигуриб турибди. Бир дақиқа саросимада қолди. Нотинч юрагидаги икки хил ҳис-туйғу ўртасида кураш борарди. Юқорида айтганимиздек, чакки қадам босиб, «ўтириб» чиқсан. Уша чакки қадам туфайли манглайига «судланган» деган тамга босилган. Энди-энди ўша тамғани вақт ўчириб ташлашти. Иккинчидан, Вячеслав қадрдан ўртоги. Бугун ҳам ҳеч нарсасини аямай меҳмон қилди. Унинг нарсаларини «енг ичиди» ўмараш — инсофисизлик-ку?

Олмай деса, шифонъердаги кийим-кечаклар оҳанграбодек ўзига торташти. Оёқлари ҳам гўёки шу ерда михланиб қолгандек.

Ниҳоят, нафс деб атальмиш юрағдаги илон обрў-этибордан ҳам, одамийликдан ҳам, дўстга садоқат деган тушунчадан ҳам устун чиқди. Кўзига нима яхши

қўринса, олаверди, жами 9 хил буюмларни қўлтиғи-га қисиб, ташқарига равона бўлди.

Эртаси куни кайфи тарқади. Қилган иши худди кинолентасидагидек кўз олдидан бирма-бир ўтаверди. Жабрланувчи ўйидан 249 сўм 48 тийинлик моллари йўқолгани дақида милицияга арз қилганини эшитди-ю, буткул ороми йўқолди. Нафсига лаънатлар ўқиди. Яна кўз олдига атрофи тиканли симлар билан ўралган қамоқхона келди. Ўйлай-ўйлай юрагида умидми, ишончми, шунга ўхшаш бир учун йилт этгандай бўлди. Этилган бошини қилич кесмайди, дейшиши. Агар милицияга бош эгиг борсам, айбимга икрор бўлиб қилғилини мастиликка йўйсан, кечириб юборшиши, деб ўйлади. Тўпша-тўғри участка вакили ҳузурига борди.

Ҳаммасига лаънати ароқ сабабчи, — деди йифламоқдан бери бўлиб. — Илтимос, раҳм қилинг. Мана, ўғирланган ҳамма нарсаларни олиб келдим...

Яқинда Киров туманинда Киров туманинда ҳалқ суди бу ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, 1963 йилда туғилган, Бешарик шахридаги Октябрь 60 йиллиги кўчасида жойлашган 37-йининг 18-хонадонида яшовчи Неъматилла Рассоқовни икки йил муддатга мажбурий хизматга маҳкум этиди.

Начора, қилмиш-қидирмеш, дейдилар...

Алл ЭРДОН.



Бўлжак ҳайдовчи ўқув машгулотларида қанчалик кўп пишса, йўл ҳаракатида ўзини шунчалик эркин сезиши сир эмас. Бу эса ўз нафбатида қўнгилсизликларга йўл қўймайди. Буни яхши англаган Хоразм вилояти ИИБ ДАНнинг Хозарасп туман лараро имтиҳон-қайд қилиш бўлинмаси ходимлари талабчанликни кучайтироқдалар.

Суратда: бўлжима катта инспектори милиция капитани Урибай Саидов юқ машинасида ҳайдовчиликка номзодлар билимини синашга шайланмоқда.

Сайдулла БОБОЕВ олган сурат.

ДЎҚОНДА КИМ БОР?

Милиция старшинаси Ж. Кувватов ва милиция сержанти В. Катиловлар Тошкент трактор заводи яқинидаги ДАН постида хизматни ўтаётган эдилар. Тахминан соат учларда кўчадан ўтиб кетаётган йўловчи уларга юзланди.

Ўртоқ инспекторлар, автобекат ёнидаги дўқонда, назаримда, кимдир ивирсиг юриди!

ДАН ходимлари зудлик билан ўша ёққа отланиши. Хайрият, кечикишмабди.

1967 йилда туғилган Валерий Митиков ва 1968 йилда туғилган Артур Рибинскийлар бир қанча кийим-кечакларни йиғишириб, қимматбаҳо буюмлар сақланувчи темир қутини бузишга улгурнишган экан. Бирор уларнинг омади чопмади. Иккисининг ҳам борар жоий Куйшиев тумани ИИБ бўлди.

Рамзиддин МУХИТИДИНОВ, Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими милиция лейтенанти.

Ҳимоя қилувчи марказлар очиш ҳақида жойларга тавсиянома жўнатилганди. Бунинг учун эсамаълум миқдорда маблағ керак. Лекин айни пайтда маҳаллий ҳалқ депутатлари Кенгашлари бу масалага унча ётибор бермаятилар. Ахир, бу ишлар фақатгина милициянинг ва-зифасига кирмайди-ку?! Агар ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб ҳаётда ўз ўрнини йўқотган кимсаларни, судланиб озод этилганларни, дайдиларни вақтида иш билан таъминласак, бирорта туар-жой тошиб берсак, бир қанча яна содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдин олган бўламиш-ку! Шунинг учун барчамиз ўз олдимиздаги бурчимиши вижданав адо этайлик, ҳаётда қоилингандарга вақтида ёрдам кўлини чўзайлик.

Э. ПИРИМҚУЛОВ, УзССЖ ИИВ ҳукуқбузарлигининг олдин олиш бошқармаси бўлим бошлиғи милиция подполковники.

Н. ВОЛЫНСКИЙ, УзССЖ ИИВ жамоат тартибини сағлаш бошқармаси катта инспектори милиция катта лейтенанти.

Хиёбондаги кимсалар

мидан ёқиб юрганлар ҳам анчагина. Масалан, фақат шу йилнинг тўрт ойи мобайнида қилган жинояти учун қидирилаётган 1 минг 200 кимса ана шу сандироқлаб юрганларнинг орасидан топилди. Текинхўрларча ҳаёт кечираётган 30 ҳаромтовақ эса жиноий жавобгарлика тортилди.

Дайдиларнинг ўлкамизга ёпирилиб келаётган жумхуриятимиз хукумати раҳбарларини ва УзССЖ ИИВ бошлиқларини ҳам ташвишга солмоқда. Шунинг учун кейнги пайтда бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилда дайдилар билан шуғулланувчи маҳсус милиция гуруҳлари тузиши учун анчагина миқдорда пул ажратилди ва қўшимча штатлар берилди. Бундан ташқари темирйўл шоҳбекатларида дайдиларни аниқловчи алоҳиди оператив гуруҳлар ҳам тузилди. Ҳозирги кунда уларни автоулов билан таъминлаш, қабул қилиш ва тақсимлаш пункти, вақтининг сақлаш қамоқхонаси ташкил этиши, шахсий таркибининг машига зарарли меҳнат шароити учун қўшимча ҳақ тўлаш каби масалалар кўриб чиқилмоқда.

Матъумки, илгарилари бундай кимсаларни меҳнаттарбия миассасасига юбориларди. Афсуски, у тугатиб юборилди. Бу маскан ишлаб турган пайтида анчагина фойдаси тегиб туради. Масалан, 10 йиллик фаолияти давомида бу ерда 9261 нафар одам қайта тарбияланди. 4 минг 700 нафар турли хил касб эгаси бўлишиди. Улар бу ерда касб эгаллашдан ташқари қайта тарбияланардилар, ўзлари меҳнат қилиб пул топардилар, озод бўлганларидан кейин эса муассаса ходимлари ёрдамида бирор жойга ишга жойлашардилар. Умуман айтганда, бу муассасанинг фойдали томонлари ниҳоятда кўп эди.

Жумхурият ички ишлар

томонидан ҳудудимизда тентираб юрган дайдилар, текинхўрлар билан ишлаш ҳақида яқинда ишлаб қилиган режанинг бажарилиши айни пайтда кўнгилдагидай, деб бўлмайди. Бундан ташқари дайдиларни бирор ташкилот ёки корхонага жойлаштириш, паспортини ҳисобга ёйниш ҳам ниҳоятда қийин кечмоқда. Кўпгина корхоналар бундай кимсаларни ишга олишга қарши чиқмоқдалар ва турли баҳоналар билан уларни қайтариб юбормоқдалар. Ҳатто баъзи корхоналарнинг раҳбарлари ички ишлар бошқармалари, бўлимларининг сўровларига ҳам жавоб бермаятилар. Тошкент трактор заводи, «Узбекхлопкомаш», «Чирчиксельмаш» заводлари, 8-қурилиш трести, Самарқандаги «Красный двигатель» заводи ва бошқа кўплаб корхоналар шулар жумласидандар.

Шу йил 1 июлидан ишсизларни ва аҳолини иш

билан таъминлаш тўғрисида ССЖИ Олий Кенгаши қабул қилган Қонун кучга кирди. Қонунда айтилишича, ишсиз юрган ва иш ахтариб сарсон бўлаётган фуқароларни ижтимоий томондан ҳимоя қилиш кучайтирилади. Лекин бу ҳисобга дайдилар киритилмаган. Аммо улар ҳам бошқа ишсизлар каби ижтимоий таъминот бўлимларидан бекор юргани учун ёрдам пули олишлари мумкин. Шунинг учун дайдиларни ва илгари судланган шахсларни ишга олишдан бош тортган корхона раҳбарлари уларнинг аризасига бўш жой йўқ, деган маънода ёзб өришдан олдин ўйлаб кўришлари керак. Чунки ёзувга кўра ижтимоий таъминот бўлими уларга ишсиз юргани учун ёрдам пули ажратниши мумкин.

Шунинг учун УзССЖ ИИВ томонидан катта шаҳарларда илгари судланганларни ижтимоий томондан



Суратда: Собир Радимов тумани ИИВ ходимлари дайдилар билан кун кечираётган бир гуруҳ шахсларни тегишили чора кўриш мақсадида милиция бўлимига келтирилди.

С. МУСАЕВ олган сурат.

Иккевон дўст эдилар. Бир-бирларисиз туролмас, ҳаттоқи тушларида ҳам дарров топишиб олардилар. Кўпчилик уларни «оғайнилар» деб аташларининг боси ҳам шувададир. Чиндан ҳам Виталик билан Юран куннинг истаган вақтида бирга кўриш мумкин эди. Усминаларнинг бисотида биргина мотоцикллари бўлиб, соатлаб мотор кавлашдан зеришиш мас эди. Кейин эса юра мойга беланган ҳолда «шайтон арава»га мингашиб, тики у бузилмагунча юраверишар эди.

«Оғайнилар»нинг таржими ҳоли ҳам шалағи чиққан мотоциклга ўхшаб ремонтилаб (ҳозирда «тъмирлар» ишлари кетмоқдади).

Виталик аранг саккизинчи синфни тутатиб олди. Бироқ кутилмагандан унинг кўнгли яна ўқишини тураб қолди. Сўнгра тўпшатури Тошкентга келиб, билим юртларининг бирига хужжат топшириди. Анчамунча, яъни саккиз ой ўқиди ҳам. Кейин ўйлаб кўрса, бу даргоҳ Виталикнинг характеристига тўғри келмас экан. Қолаверса, партада ўтиравериш ҳам унинг жонига тегди. Қисқаси, ҳайрмазурни насия қилиб, билим юртни тарк этди. Тўғри, дастлаб мураббийлар бу ҳолдан бироз ташвишлангандек бўлдилар. Кейин эса кўл силтаб кўя қолишиди. Виталик учун ўқитувчиларнинг совуқонлиги айни муддао бўлди.

Юра эса дўстига қарагандан анча ўқимишли чиқди. У мактаб-интернатни тамомлади. Кейинги баҳорда армияга кетишими ўйлаб, бироз ўйнаб қолмоқчи бўл-

КИРГОҚДАГИ КАБИХЛИК

ди. Ота-онаси ҳам бунга қаршилик қилишмади.

Шундай қилиб Виталик ва Юра назоратсиз кўча чангитиб юравердилар. Улфат деганда ичклико боллини тушувадиган бу ўсминалар дастидан «Жасорат» виноси ҳам, «Жигули» пивоси ҳам қолмади. Мазмунли ўтаетган кунларидан шодон «оғайнилар» чўмилишга бормоқчи бўлишиди. Аммо табиат кўйнида фақатгина иккичириши зерикарли бўлиши мумкин. Демак Наргизани авраш керак. Ахир, у ҳақида баъзи бир гаплар қулоққа чалинган эди-да.

Наргиза ҳам нима қиласини билмай зерикб юрган экан, шекилли, дарров бу таклифга кўна қолди. Бир зумда улар Янгийўл туманидаги «Интернационал» жамоа хўжалиги яқинидан оқиб ўтвучи Чирчиқ дарёси қирғогига етиб келдилар. Кейин эса маза қилиб чўмилдилар. Қуёш нурида тобландилар ҳам. Щудамда Виталик ва Юраннинг миёсида бир фикр чарх ура бошлади.

Наргиза! Ахир, у ҳақида баъзи бир гаплар қулоққа чалинган эди-да.



«Оғайнилар» нималарни дарёси қирғогига етиб келдилар. Кейин эса маза қилиб чўмилдилар. Қуёш нурида тобландилар ҳам. Щудамда Виталик ва Юраннинг миёсида бир фикр чарх ура бошлади.

Мусига тегдилар. Аттанг, мишиш-мишиш гапларнинг ҳаммаси бекорчи экан. Наргиза аюҳоннос солиб додлай бошлади. Йигитларни милицияга айтиб, қаматиб юборишини айтди. Номус ўғриларини ток ургандек бўлди. Ранглари докадек оқариб, бир-бирларига бақрайиб қолдилар. Бироз сукут сақлагач, яна нималарни дарёси бекорчи олишиди. Кейин эса... Ҳа, жиноят содир этилди. Юра Наргизани маҳкам ушлаб турди. Виталик эса унга пичоқ санчди. Бечора қиз жон аччиғида типиричлаб қишишга уринди. Афсуски, нейнги тиф зарбидан ўхолизланниб йиқилди.

Қотиллар нима қилиб бўлса ҳам, жиноят изини йўқотишига киришдилар. Зудлик билан жасадни шу ерда ётган машина радиаторига боғлаб, дарёга улоқтирилар.

Мана шу машъум воқеадан сўнг орадан бирмунча вақт ўтди. «Оғайниларнинг еган-иҷланларида, на ўйин-кулгуларида ҳаловат бор эди. Ҳаттоқи Наргиза уларнинг тушларига кириб, тинчлик бермасди. Буларнинг ҳаммасини эсдан чиқариш учун эса бир йўл қолди. У ҳам бўлса ички-

ликка зўр бериш. Шундай ҳам қилишиди. Аммо Наргизанинг арвоҳи бошлари узра чирқираб туравергандек эди. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласи, деб бежиз айтмаган эканлар. Кунларнинг бирида Виталик дўстлари билан роса ичди. Кейин эса алжира, атрофидагиларга нималарни дарёга ишора қилиб: «Наргиза мана шу ерда ётиди», — деди.


Тез орада тарқалган мишишлардан воқиғи бўлган милиция ходимлари «оғайнилар»ни сўроқ қилишга киришдилар. Савол-жавоблар эса узоққа чўзилмади. Чунки Виталик ва Юралар ўша куннинг ўзидаёт айларига иқор бўлдилар.

Прокурорнинг рухсати билан ҳисбага олинган ўсминалар ҳозирда теров ҳамоҳонасида ўтиришибди. Лекин улар ашаддий жиноятчими? Ёки бўлмаса устаси фаранг қотилларми? Йўқ, аксинча, она сути оғзидан кетмаган гўдаклар. Фақатгина отоналари ва муаллимларининг лоқайдлиги туфайли ҳаётда қаттиқ адашдилар.

Шавкат АҲМЕДОВ,
Тошкент вилояти ИИБ
балоғатга етмаганлар
иши бўйича инспекцияси
бошлиғи милиция майори.

Баҳодир ДАВЛАТОВ,
вилоят ИИБ ташкилий-
инспекторлик бўлнимининг
ката инспектори милиция
капитани.

ҚАДРИ БАЛАНД САБОҚ БЕРДИ



Чироқ ўди. Экранда эса чўғирмасининг шоқилалари ҳам қаҳр-ғазаб ўтида ёнган кўзларини яширолмаган Жұнаидхон пайдо бўлди. Коракум саҳросининг беадад қўмликлари ҳуқмрони Бухоро амири «элчиси» — ЧК ходими билан юртни болжавойлар зулмидан озод этиш тўғрисида чertiб-чertiб, лўнда гаплашарди.

Сўнгра амир ҳазрати олийларининг «элчиси»ни Хоразм халқ шўро жумҳурятини ЧКси раиси Сибгатулиннинг қатл этилишини томоша қилишга етаклади. Жасорати билан ўзини ҳайратга соглан рақибнинг бошини қилинча узига ташлашганда, унинг бирорта туки ҳам қилт этади.

Тўсатдан экрандаги тасвир ўзгарди. Оппоқ соқолни ўзига ярашиб, юзларидан нур ёғилиб турган Юсуф ёвуз ва манфур Шамшир қўйган тузоқдан гўзлар Маржинани куткарди. Қилинган эзгулик унга ўғли — Али бобони топиб олишдек бебаҳо қувонч сифатида қайтди.

Бир-бирига зид образларнинг ҳаётйлиги томошабинни рўм этади. Бу ролларнинг ижрочиси ССЖИ халқ артисти, ССЖИ давлат мукофоти лауреати Зикир ака Муҳаммаджонов ярим асрдан зиёд ижодий фаолияти давомида санъаткорнинг буюк ва залворли масъулиятини қалбига туйиб кельмоқда. У саҳнада 100 дан, кинода 30 дан кўпроқ образ яратди.

Яқинда у киши Ўзбекистон ССЖ ички ишлар вазирлиги ходимлари билан учрашувга ташриф буюрдилар. Саҳнамизнинг бугунги даргаларидан бирни сұхбатига мусассар бўлганлар бир олам таассурот олишганига аминман.

Зоро Зикир аканинг бетакор диди, фалсафий дунёқараши, алғов-далғов давр ҳақида, ёшлар тарбияси, жиноятчилини билан кураш ҳақида билдириган теран мулоҳазалари кимларни мушоҳада юритишига мажбур қилмайди, дейсиз?

«Генерал Раҳимов» фильмида Собир Раҳимов, «Қузнинг биринчи кунида участка ваки милиция капитанни Сultonov, «Улугбек хазинаси»да Мирзо Улугбек ролларини ўзига хос талқин этган ижодкор сұхбатдошларини қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарди.

Зикир ака шу учрашув чоғида камтарлик, одоб бобида қадри баланд сабоқ ҳам берди. Залда учрашув катнашчилари мўлжалдагидан озлигига, ички ишлар вазирлиги бошқарма ва бўлимлари раҳбарларидан бирортаси иштирок этмаганлигига қарамасдан ҳақиқий муҳлисларидан сұхбатини дарига тутмади. Ахир, у бу учрашувга Пискентдан мисоли учуб келганди...

Ғайрат ЖУРА.
Суратларда: учрашув пайти.
Ҳ. Шодиев олган суратлар.



ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Ўзбекистон «Динамо» жумҳурият кенгаши бўш ўринларга танловда ўтказади. Кенгаш хузуридаги махсус тайёргарлик марказида хизмат қилиш учун (офицерлар таркиби) ички ишлар идораларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича катта инспектор-ўргатувчилар керак.

Махсус марказга жисмоний бақувват, ички ишлар идоралари шахсий таркиби учун белгиланган синов кўрсаткичларни камидаги 4 («яхши») баҳоға тоширган, самбо ёки шарқ яккамаякка олишувларининг жанговар усулларидан хабардор кишилар қабул қилинади.

Зо ёшдан ўтмаган фуқаролар ҳам танловда иштирок этишлари мумкин. Танлов эълон чиқсан кундан бошлаб иккى ой давом эта-

ди. Қўйидаги манзилгоҳга муружаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси 15, «Динамо» ўйингоҳи. Телефонлар: 68-74-16, 68-74-17.

Ўзбекистон «Динамо» жумҳурият кенгашининг кадрлар ва ташкилий ишлар бўлими.